Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган

1997 йил 9 август, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда. № 61 (6957)

Da'vat

Тараққиётнинг умумий қуламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади.

Э. ЛАБУЛЕ.

Ibrat

Жиззах вилоятининг Дустлик тумани ҳокими ҳудуддаги барча болалар боғчаларини бепул қилиш бўйича фармойиш қабул қилди. Эндиликда фарзандлари боғчага қатнаётган ота-оналар ойлик бадал тўлашдан озод бўлдилар.

ҚОНУН ВА МИЛЛИЙ ДАСТУР ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Наманган вилоят ҳокимлигида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессияси кун тартибига киритиш кўзда тутилган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» лойиҳалари муҳокама қилинди. Йиғилишда Олий Мажлис ва вилоят кенгашларининг депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ижтимоий соҳа бўйича ўринбосарлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг раҳбарлари, лицей, мактаб, интернат ва мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Т. Жабборов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисининг ўринбосари, Олий Мажлис депутати А. Қосимов маъруза қилди.

Музокараларда вилоят ХТБ бошлиғи Х. Убайдуллаев, Саноат технологияси институти ректори Э. Эргашев, Учқўрғон туманидаги 20-мактаб директори, Олий Мажлиси депутати Ҳ. Қурбоналиев, тиббиёт билим юрти директори К. Иномова, Норин туманидаги 10-болалар боғчаси мудираси С. Азизова, Поп тумани ҳокими, Олий Мажлиси депутати Х. Талабовлар қатнашдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг етакчи мутахассиси Ш. Қурбонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси котибининг масъул ходими М. Соипов иштирок этдилар.

•

Шунингдек, бу мавзуга бағишланган йиғилиш Андижон вилоятида ҳам бўлиб ўтди.

Йиғилиш аҳли — Олий Мажлис депутатлари, вилоят кенгаши депутатлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, олий ўқув юртлари ректорлари, ўрта махсус билим юртлари, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимининг раҳбарлари «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» лойиҳаларига ўз муносабатларини билдиришди.

Лойиҳалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда Олий Мажлис раисининг ўринбосари А. Қосимов иштирок этиб, сўзга чиқди.

•

Самарқанд вилоят ҳокимлигида ҳам «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» лойиҳаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Илҳом Рашидов очди. Музокараларда қатнашганлар ҳар иккала ҳужжат юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев маърузаси тингланди.

Маруза юзасидан музокараларда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Олий Мажлис депутати Темир йўл тумани халқ таълими бўлими мудири З. Ҳасанова ва бошқалар иштирок этишди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Оқил Салимов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Ориповлар қатнашди.

•

Урганчда ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлиснинг вилоятдан сайланган депутатлари, олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими муассасалари раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев маъруза қилди.

Муҳокамада сўзга чиққанлар янги таълим тизими мустақил Ўзбекистоннинг шонли тарихи, истиқлол мафкурасини тўла акс эттириши лозимлигини айтиб ўтдилар. Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

•

Жумладан, Фарғонада ҳам вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, шаҳар, туман ҳокимлари, олий ва ўрта махсус билим юртлари ва халқ таълими бўлимларининг раҳбарлари, мактаб директорлари иштирокида «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда республика Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов сессия кун тартибига қўйилган масалалар ҳамда «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳақида маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар икки муҳим ҳужжат бир-бирини тўлдиришини, баркамол авлод, етук инсонларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Анжуман иштирокчилари муҳокама этилган қонун лойиҳалари юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўз мухбирларимиз ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.

Yarmarka

Куни кеча шаҳримиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ўқувчилар, зиёлилар, умуман барча китобсевар меҳмонлар билан гавжум бўлди. Негаки бу ерда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика Давлат матбуот қўмитаси ва «Ўзбекистон китоб савдоси» ҳиссадорлик уюшмаси томонидан инсон манфаатлари йилига бағишланган китоб ва мактаб ярмаркаси ўтказилди. Мамлакатимиз келажагини, унинг тараққиётини бебаҳо хазина бўлган китобларсиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли ҳам ўтказилаётган ушбу ярмарканинг аҳамияти катта. Буни ярмаркага ташриф буюрганлар ҳам эътироф этишди.

Суратларда: китоб байрамидан лавҳалар.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

КИТОБ БАЙРАМИ

JUMLADA JAHON

• **Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, шу йил 25 августдан 2 сентябргача Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзолари, тегишли вазирлик, уюшма, ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар Самарқандда бўлиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишди, вилоят ҳокимлигида ташкилий қўмитанинг мажлиси бўлиб ўтди.**

• **Халқаро ташкилотлар, жамғармалар, элчихоналар ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган таниқли савдо фирмалари вакилатхоналаларининг намояндалари «Экосан» халқаро жамғармаси идорасида тўпландилар — улар Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманига қай йўсинда ёрдам беришни муҳокама этишди.**

• **Тожикистонга қарашли Турсунзода шаҳридаги автобус бекатида номаълум қотиллар томонидан автобус портлатилди, натижада икки киши ҳалок бўлди.**

• **Туркманистонда дон тайёрлаш режаси мана, учинчи йилдирки, бажарилмай қолмоқда, бу йил белгиланган режанинг ярми уддаланди, холос.**

• **НАТО Бош котиби Хавьер Солана ёзги таътилни Россияда ўтказиш учун рафиқаси, қизи ва ўғли билан самолётда Москвага учиб келди.**

• **Келгуси йилнинг май ойида Парижда Уинстон Черчилнинг уч метрлик ҳайкали ўрнатиладиган бўлди, лойиҳа учун шахсан Президент Жак Ширак томонидан 180 минг фунт стерлинг пул ажратилди.**

• **Жаҳон банки Руминияга мамлакатдаги 900 га яқин қишлоқ таълим-тарбия масканларини таъмирлашга сарфлаш учун 70 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.**

Dolzarb mavzu

МАКТАБ БОЗОРИ

Янги ўқув йили яқинлашмоқда. Шу кеча-кундузда барча ота-оналар олдида болаларнинг мактаб кийимларини бутлаш муаммоси кўндаланг турибди. Мазкур муаммони енгиллатиш мақсадида ҳукумат миқёсида, аниқроғи Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, «Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» бошқарувининг ўтган йили ҳамкорликдаги буйруғи чиққанди. У ҳалигача ўз кучида турибди. Унда барча жабҳадаги корхона ва муассасаларга янги ўқув йили яқинлашаётганлиги муносабати билан савдо ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш, пештахталарни керакли ўқув жиҳозлари билан таъминлаш вазифаси юклатилган.

Ҳозирги кунда бу борада бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мавжуд савдо шохобчалари зарур маҳсулотлар билан тўлдирилаяпти.

Бу йил ҳам Тошкент шаҳрининг аҳоли зич яшайдиган жойларида «Мактаб бозорлари»ни ташкил этиш кўзда тутилган. «Мактаб бозорлари» 10 августдан бошланиб, 10 сентябргача давом этади. Савдо расталарида ўқувчилар учун зарур бўлган барча турдаги ўқув ашёлари кийим-кечаклар, пойабзаллар бўлади. Қувончлиси шундаки, бу йил ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари учун яна бир қулайлик яратилди. Энди ота-оналар ўз қимматли вақтларини беҳудага ўтказишмайди. Мактабларнинг ўзида савдо-сотиқ ишлари йўлга қўйилади.

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шунингдек Тошкент шаҳрида жами 370 та бозор ўқувчилар хизматида бўлади, — дейди Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Гуландон Алимова. — Пойтахтимиздаги «Болалар дунёси» жамоа корхонаси (Шайхонтоҳур тумани), Ҳамза, Юнусобод туманларидаги Марказий универсал магазинлар «Даврон-Достон» жамоа дўкони (Мирзо Улуғбек тумани), «Саодат» савдо жамоа корхонаси сингари савдо шохобчалари ана шулар жумласидандир. Ва яна шуни қўшимча қилиб айтмоқчиманки, зиё масканлари мавжуд дўконлардан пул ўтказиш йўли орқали маҳсулот олишлари ҳам мумкин.

Хуллас, мактаб бозорлари зарур моллар билан узлуксиз тўлдириб турилади ҳамда унинг бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилади. Мақсад, ота-оналар фарзандларига ўқув ашёларини ўз вақтида олиб беришларига қаратилган.

Газетамизнинг кейинги сонида 1997-98 ўқув йилида мактаб бозорларини ўтказишда вилоятларда хизмат кўрсатувчи савдо шохобчалари рўйхати билан танишишингиз мумкин.

Улуғбек АКТАМ ўғли.

М. ВУД: «БУ ЁШЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАЙДИ» 2-БЕТ.

КИТОБЛАР АҚЛ ФАРЗАНДЛАРИДИР 3-БЕТ.

ДЎППИ КИЙГАН ЎЗБЕГИМ... 4-БЕТ.

O'qituvchilarning avgust kengashlariga

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ – КОМИЛЛИК МЕЗОНИ

Ҳуқуқий демократик давлат қурилишидек олий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, уларда ҳуқуқий саводхонликни ва маданиятни тарбиялашдек жиддий вазифани қўяди. Бу борада халқ таълими муассасаларининг масъулияти алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, жамиятимизнинг деярли барча аъзолари болалар боғчалари ва мактабларда дастлабки ҳуқуқий таълимни оладилар.

Ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ўз куртагини таълим масканларида очади. Шу боис боғчалар, умумтаълим мактаблари, ҳунар мактаблари ва лицейларда давлат ва ҳуқуқ асосларини ўргатиш, қабул қилинаётган ҳамда амалда бўлган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини ёшлар онгига муттасил равишда етказиб бориш биринчи даражали вазифалардан бири сифатида қараб келинмоқда.

Мустақиллик йиллари давомида 300 га яқин қонун ва Олий Мажлис қарорлари, 4 мингдан кўпроқ Республика Президентининг Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Бугунги кунда ҳаётимиздаги барча ижтимоий муносабатлар мана шу қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниб турилибди. Бундай катта ҳажмдаги қонун ҳужжатларининг ҳаракатга киритилиши барча соҳада бўлганидек, халқ таълими муассасаларида ҳам ҳуқуқий таълим-тарбияни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Пировардида ўқувчи ёшлар, қолаверса, ўқитувчи-тарбиячиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни талаб қилади.

Вилоятимиз халқ таълими масканларида ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида аниқ ишлар қилинмоқда. Халқ таълими муассасаларида ҳуқуқий сабоқ бериш қуйидаги беш босқичда олиб борилмоқда:

БИРИНЧИ БОСҚИЧни «Ҳуқуқий таълим алифбоси», деб атасак бўлади. Бу даврда ҳуқуқий билимлар асослари болалар боғчаларидаги одобнома, миллий урф-одатлар ва қадриятлар, атроф-муҳит ва табиатни асрашдан бошланиб, 1-4-синфларда ўқитиладиган аниқ фанлар доирасида турли хил мавзули кечалар, учрашувлар тариқасида давом эттирилади. Масалан, табиатшунослик фани дарсларида Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни тамойиллари ўқувчилар онгига сингдирилади.

Бу босқичда дастлабки ҳуқуқий билимлар бериш Самарқанд шаҳридаги 17, 21, 45, Каттақўрғон шаҳридаги 16, Жомбой туманидаги «Навруз», «Гулшод» болалар боғчалари, Нарпай туманидаги 17, 31, Каттақўрғон туманидаги 1, 5, Иштихон туманидаги 4, 35, Жомбой туманидаги 11, 23, 46-мактабларда яхши йўлга қўйилган.

ИККИНЧИ БОСҚИЧни «Ҳуқуқий таълимдан сабоқлар», деб шартли равишда номлаш мумкин. Бу давр 4-8-синфлар ўқувчиларини қамраб олади. Мазкур синфлар ўқув дастурларида назарда тутилган фанлар доирасида ўқувчиларга давлат ва қонун асослари тўғрисида тушунчалар бериб борилади. Ўқувчилар 5-синфнинг тарих курсида миллий қадриятлар, маданий мерос, Мустақиллик куни, Конституция куни, «Навруз» байрами сингари тарихий саналар ҳақида маълум тасаввурга эга бўладилар. Уларда мамлакатимизнинг рамзи ҳисобланган Давлат Герби, Байроғи, Мадҳияси, Давлат тили тўғрисидаги тушунчалар шакллaниб, ватанпарварлик туйғуси янада ортади.

География фанидан (6-синф) Республикамизнинг жаҳон харитасида тутган ўрни, чегараси, маъмурий-ҳудудий бирликлари, табиий бойликлари, табиат муҳофазаси, мактаб Устави, мактаб ички тартиб-қоидалари ўргатилади. Бундай ишлар Оқдарё туманидаги 8, 45, Тайлоқ туманидаги 21, Жомбой туманидаги 16, 27, Нуробод туманидаги 1, 2, Ургут туманидаги 44, 103-мактабларда намунали уюштирилган. Аммо, ўқитувчилар жамоалари бундай ютуқлар билан чегараланиб қолмасликлари керак. Улар ҳуқуқий тарғиботнинг кўргазмали воситаларига катта эътибор беришлари зарур. Чунки, ушбу босқичда болаларнинг ўз юртининг рамзларини билиб олишга қизиқиши кучли бўлади.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ — ҳуқуқий таълимнинг энг кульминацион нуқтаси ҳисобланади. Бу даврда 9-синфда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани ўқитилади. 10-11-синфларда эса «Ҳуқуқшунослик курси» махсус факультатив фан сифатида ўргатилади.

Ёшларга ҳуқуқий таълим беришда ҳуқуқий билим даражаси стандартига амал қилиш зарур. Мана шу стандарт доирасида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани бўйича дарслик яратилган бўлиб, барча мактабларимизда ҳуқуқий таълим ушбу дарслик асосида йўлга қўйилган. Лекин вилоят халқ таълими бошқармасини мазкур фанни кимлар ўқитаяпти ва кимлар ўқитиши керак, деган савол доимо ташвишга солиб келмоқда. Айни пайтда вилоятдаги 1.162 та умумтаълим мактаби ўқув дастуридан ўрин олган «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан бармоқ билан саналадиган ҳуқуқшунос ихтисосига эга бўлган муаллим дарс бермоқда. Қолганлари эса ўзга мутахассислардир. Улар орасида, ҳатто, ўрта маълумотли мутахассислар, жисмоний тарбия ва меҳнат таълими ўқитувчилари ҳам бор.

Кўпгина мактабларда шундай бўлиб қолганки, қайси ўқитувчига дарс соати етишмаса, унга «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани бўйича соатлар қўшиб берилади. Ахир, ўқитувчининг малакаси мазкур фан бўйича етарли бўлмагач, ўтган дарснинг ҳам даражаси, ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳам шу меъёрда бўлади-да. Халқ таълими бўлимларининг мудирлари ва мактаблар директорлари янги ўқув йилидан бошлаб ушбу масалага ўта жиддий ёндашишлари керак.

Мамлакатимизда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани бўйича ка-

(Давоми 2-бетда).

MMM XABARLARI

ТИЛГА ЭЪТИБОР, ЭЛГА ЭЪТИБОР

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида ўзбек тили ўқитувчиларининг 12 кунлик семинари бўлиб ўтди. Семинар республика мактабларидаги мавжуд қорақалпоқ, қозоқ, туркман, рус синфларида ўзбек тилини ўқитишни такомиллаштиришга бағишланди.

Унда Нукус давлат педагогика институтининг доцентлари — М. Бўронов, Ф. Солаев, Й. Иброҳимовлар амалий машғулотлар олиб боришди, лекциялар ўқишди.

Ғ. ЁҚУБОВ.

ТАЪЛИМ-ТАЖРИБА МАЙДОНЛАРИ

Республика педагогика фанлари илмий текшириш институти негизида яқинда ўзбек адабиёти, физика, рус тили, тасвирий санъат, мусиқа фанлари бўйича бир неча «тажриба майдончалари» вужудга келган эди.

Фанларни пухта ўзлаштиришга қаратилган бу изланишлар халқ таълимининг ўқув-методик негизини янада бойитиш имконини бермоқда. Янги ўқув йилида бу илғор педагогик иш усулини республикамиз мактабларида кенг татбиқ этиш режалаштирилмоқда.

А. АЛИЕВ.

ЎҚИТУВЧИЛАР ЎҚИШЯПТИ

Қашқадарёда ҳам вилоят ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ташаббуси билан бошланғич синф ўқитувчиларининг билим савиясини ошириш мақсадида барча туман халқ таълими бўлимлари ҳузурида махсус курслар ташкил этилганди. Ана шундай курслардан бири Қамаши туманидаги Беруний номли ўрта мактабда фаолият кўрсатди ва унда 70 нафар бошланғич синф ўқитувчиси бир ой мобайнида таълим олишди. Улар доцент А. Жўраев, Қ. Каримов, Д. Тўраев каби муаллимларнинг замонавий ўқитиш усуллари борасидаги маърузаларини тинглашди.

Курс тингловчилари лотин ёзувини ҳам чуқур ўрганишди ва шу ёзувда имтиҳондан ўтишди.

С. ОСТОНОВ.

MMM XABARLARI

O'ynab-o'ynab o'rganamiz

МАЪНАВИЯТ ЁШЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Боғчамиз тарбиячилари болалар тарбияси ва камолининг барча томонлари акс эттирилган дастур асосида таълим-тарбияга оид иш режаларини қайта ташкил этдилар. Дастурнинг афзаллиги шундаки, унда кичкинтойларнинг маънавий юксалиши билан боғлиқ барча масалалар қамраб олинган. Жумладан, тарбиячиларнинг ўз қобилиятлари, имкониятларидан фойдаланишга имкон берилган. Шу билан бирга мураббийлар малакаларини мунтазам ошириб боришга ҳам катта аҳамият бермоқдамиз.

Биз учун энг масъулиятли вазифалардан бири мактабга тайёрлов гуруҳлари билан ишлашдир. Боғчамизда лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш бўйича жиддий тадбирлар амалга оширилмоқда. Раҳима Зокирова, Муҳайё Эргашева сингари мураббийларимиз Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ташкил этилган курсда ўқиб келдилар.

Ана шундай меҳридаре тарбиячилар раҳбарлигида 1996-97 ўқув йилида 90 нафар кичкинтой лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўзлаштирган ҳолда мактабга қузатилди. Болалар тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, туманимиздаги 4, 75, 124, 138-ўрта мактаблар ҳамда «Ором» боғча-мактаб мажмуаси иқтидорли синфларига қабул қилинди.

Янги ўқув йилида Зуҳра Файзиева мактабга тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларига алифбосиз ўқитиш йўналиши бўйича билим бермоқда. Бу таълим-тарбия соҳасида янгилик бўлиб, иш фаолиятимизда катта самара бера бошлади. Мураббийлар кичкинтойларга янги алифбони илгарилама таълим услуби асосида ўйин орқали сингдиришга ҳаракат қилаётир.

Машғулотларда қўргазмали қуроллардан кенг фойдаланмоқдалар. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш жараёнининг таълимий ўйинлар асосида олиб борилиши болаларга қизиқарли бўлиб, ҳарфларни осон ўзлаштиришларига имкон бераётир. Мураббийлар бу борада изланувчанлик ва тадбиркорлик билан фаолият кўрсатмоқдалар.

Кичкинтойлар масканида болалар онгига, руҳига сингдирилаётган, ўргатилаётган билим ва кўникмалар кенг ва турли-туман бўлишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Улар иқтисодий таълимнинг илк кўринишларидан тортиб, экологик, бадиий ва эстетик тарбияларни ўз ичига олади. Бунинг учун барча таълим-тарбия жараёнлари ўйин тариқасида мужассам қилиб олиб борилаётир.

Инсон маънавиятининг илк шаклланиш даври боғчада бошланишини чуқур ҳис қилган болажон мураббийларимиз болалар дунёсини бойитиш ва ғўзаллаштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Нафиса ҒУЛОМОВА,
Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 186-болалар боғчаси бош тарбиячиси.

Avgust kengashlariga

МАХСУС ТАЪЛИМ ТАЖРИБАСИ

1996-97 ўқув йили республикадаги махсус таълим муассасаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлди. Ривожланишида турли хил нуқсонлари бўлган болалар ҳар бир миллатнинг алоҳида эътибор талаб этадиган таркибий қисмидир.

Тугалланган ўқув йилида, махсус таълим мазмунини, мавжуд дарслик ва дастурларни такомиллаштириш бўйича амалий ишлар қилинди. Ҳозирги кунда таълим соҳасида муҳим омил бўлиб қолган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» лойиҳасида «Махсус таълим» бўлими ўз аксини топган. Бундан ташқари «Ногиронларни реабилитация қилишнинг 1995-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури»ни бажариш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ногирон болаларнинг коррекцион таълимини ташкил этиш бўйича илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ЮНЕСКОнинг халқаро экспертлари билан ҳамкорликда «Махсус таълимни ривожлантириш» мавзусидаги биринчи халқаро семинар ўтказилди. Мазкур семинар якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилиниб, ҳозирги кунда республикамизнинг барча махсус мактаб-интернатларида чет эл тажрибасини ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Шу боис махсус мактаб-интернатларининг 1997 йилги август кенгашлари янгича тартибда, бевосита илғор тажриба майдончаларида ўтказилиши режалаштирилган. Жумладан, кар ва заиф эшитувчи болалар муассасалари бўйича Наманган вилоятида, ақли заиф ва психик ривожланиши сустлашган болалар муассасалари бўйича Фарғона вилоятида, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар муассасалари бўйича Андижон вилоятида ўтказилади. Бу ерда мутахассислар илғор тажриба технологиялари билан жойида танишиш имконига эга бўладилар ва тажриба алмашадилар.

Кенгашларда соҳа йўналишларига оид янгиликлар, ўзгаришлар муҳокама қилинади. Дарсларга маънавият ва маърифат мазмунини сингдириш усуллари бўйича тавсиялар бериб борилади, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш муаммолари устида баҳс ва мунозаралар олиб борилади, дарсликлардан ижодий ёндашган ҳолда фойдаланиш ҳақида тавсиялар берилади, тест усулларини махсус таълим соҳасида қўллаш бўйича илғор иш тажрибаларидан намуналар келтирилади.

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни таъминлаш юзасидан тузилган Давлат дастурига мувофиқ умумтаълим мактаблари синфари махсус мактаб-интернатлари ҳам режа асосида янги ўзбек алифбосига ўтиш ишларини амалга оширмоқдалар. Республикадаги кар ва заиф эшитувчи болалар муассасалари сурдопедагоглари малака ошириш курсларидан ўтиб, карларнинг янги дактилология алифбосини жорий этишмоқда. Жумладан, Сурхондаре, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги кар ва заиф эшитувчи болалар муассасаларининг бошланғич синфларида янги дактилологияга ўтиш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу соҳадаги илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни яратишда Наманган вилояти кар болалар мактаб-интернатининг илғор ўқитувчиси Жамилахон Хусеновонинг ишлари эътиборга сазовордир. Андижон вилояти заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати ўқитувчиси Х. Розиқовнинг 2-синф учун «Нутқ ўстириш» дарслиги чоп этилиб, ҳозирги кунда барча заиф эшитувчи болалар муассасаларида фойдаланилмоқда.

Махсус мактаб-интернатлар битирувчиларини кейинги поғона ўқишга ва ишга жойлаштириш масаласи вилоят халқ таълими бошқармалари, ҳокимликлар ва идоралари билан ҳамкорликда ҳал этилмоқда. Халқ таълими вазирлиги Меҳнат вазирлиги билан ҳамкорликда мавжуд «Ногиронлар учун касблар рўйхати»ни қайта ишлаб чиқди. Махсус мактаб-интернат раҳбарлари маҳаллий шароит ва ушбу касблар рўйхати асосида, битирувчиларни ишга ёки ўқишга жойлашишларида яқиндан кўмаклашадилар. Ёрдамчи мактаб, мактаб-интернатлар битирувчилари учун меҳнат ва касб-ҳунар таълими бўйича 11 йўналишдаги бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган касб кўникмалари ўргатилмоқда. Жумладан, мутахассислар томонидан мазкур касб кўникмалари бўйича битирув имтиҳонларини ўтказиш йўриқномаси ишлаб чиқилди ва вазирлик томонидан тасдиқланди.

Махсус таълим муассасаларининг моддий-техника базаси олдинги йилларга қараганда бирмунча яхшиланди. Муассасаларнинг деярли 70 фоизи ёрдамчи қишлоқ хўжаликларига эга. Қатор махсус мактаб-интернатлари халқ таълими вазирлиги ва ҳокимликлар ҳомийлигида компьютер техникаси билан жиҳозланди. Республика бўйича кутубхона фондида 673,29 минг ўқув қўлланма ва бадиий адабиётлар мавжуд.

1996-97 ўқув йили махсус мактаб-интернатлар учун ҳар томонлама таҳлил йили бўлди. Кенг қамровли махсус таълимни ривожлантиришда бажарилиши зарур бўлган ишлар анча. Ҳар қандай соҳани ривожлантиришнинг муҳим таянчлари бўлади. Аммо ногирон болалар ҳақида гамхўрлик доим эътиборда туради.

З. ИШМУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим бош бошқармасининг бош мутахассиси.

INTERNET

АХБОРОТ «АРМИЯСИ»

Калифорния университетида генетика илмининг юксак чўққиси эгалланди. Биологлар инсон организмидаги турли генларнинг миқдори 100 мингга яқин эканлигини ҳисоблаб чиқдилар. Ҳар бир ген ҳужайра ядросидаги молекуланинг бир қисми бўлиб, организмнинг бирор хусусияти ёки касаллиги тўғрисидаги ахборотни сақлайди. Олимлар 100 минг хил ген ичидан муҳимларини — одамнинг умри, феъл-атвори, соғлиғига таъсир кўрсатадиганларини алоҳида гуруҳларга бўлиб чиқдилар.

ГЕНЕТИК КАРТОТЕКА

Лондоннинг «Индипендент» газетасининг ёзишича, суд медицинаси соҳасида тадқиқот ўтказаётган британиялик олимлар жиноятчидан қолган зиғирдек тери заррасини ўрганиб, шахсини аниқлашнинг усулини топдилар. Мутахассислар фикрича, улар яқин йилларда биргина ҳужайра ёрдамида кишининг афт-ангори, юз тузилиши ва ранг-рўйини тиклашга эришадилар ҳамда 2000 йилга бориб 5 миллион жиноятчининг генетик ахборотн йиғилган картотекани тузмоқчилар.

ЎХШАШ БИРОДАРЛАР

Буюк Британиянинг Рослин университетида жаҳонга овоза бўлган нусха олиш тажрибаларини амалга оширган олим Ян Уилмат ўз тадқиқотларини давом эттирмоқда. Маълумки, бу ерда Долли лақабли қўзи фақат биргина она қўйнинг жинссиз ҳужайрасидан олинган биологик кодни қўпайтириш усули орқали дунёга келган. Эндиги тажрибаларда худди шу қўй ҳужайрасидан қўпайтирилган беш эмбрион бошқа қўйлар қорнида ўсиб дунёга келди, бироқ улар Доллининг аниқ нусхаси бўлиб чиқмади.

O'zbekiston va AQSH

М. ВУД: «БУ ЁШЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАЙДИ»

Президентимизнинг ташаббуси билан ўзбекистонлик ёшлар чет элларда ўқиш имкониятига эга бўлишди. Чет элларда ўқиш учун турли хил танловлар ўтказилмоқда. Бу танловларда истеъдодли ёшлар ҳар хил кўрикларда синалиб, чет элларга юборилляпти. Бу танловдаги имтиҳонлар «TOEFL», яъни Америка ўқитиш дастури асосида бўлганлиги туфайли бир қатор ўқув курслари ташкил этилмоқда. Бунга мисол қилиб Андижон вилоятини олишимиз мумкин. Андижон «Тараққиёт маркази» бу ишни ўз зиммасига олган. Бу ташкилот Адлия вазирлиги томонидан давлат ташкилоти сифатида рўйхатга олинган бўлиб, 1991 йилдан буён ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Ташкилотнинг инглиз тили ўргатиш бўлими ҳақида ташкилот директори Элдэр Тэд қуйидагиларни бизга ҳикоя қилиб берди.

— Бу бўлимда биз инглиз тилини турли босқичларда ўқитишни, асосан оғзаки нутққа ва «TOEFL» имтиҳонларига тайёрлашни мақсад қилиб қўйганмиз. Ўқув хоналарини ва тил ўргатадиган манбаларни, чет элларда ўқишни хоҳлаганлар учун маслаҳатлар беришни ўз зиммамизга олганмиз. Биз бу йил ёзнинг бошларида 5 нафар америкалик ўқитувчиларни таклиф этдик. Улар икки ойлик ўқув курсларини ташкил этишди. Бу курслар уч хил йўналишда бўлиб, улар «TOEFL» имтиҳонларига тайёрлаш, компьютер билимлари ва оғзаки нутқни ривожлантиришдан иборат.

Шундан сўнг 5 нафар ўқитувчилардан бири билан суҳбатлашдим. Унинг исми-шарифи Миз Вуд хоним экан.

— Авваламбор, бизни бу жаннатмакон ўлкага таклиф этганлари учун катта раҳмат. Мен бу ерда андижонлик ёшлар билан ўз билимларимни ўртоқлашганимдан беҳад мамнунман. Ҳозир мен ўқувчиларимни «TOEFL» дастури йўналишида ўқитяпман. Ҳафтанинг душанба ва сешанба кунлари мен грамматика асосида дарслар олиб бораман. Пайшанба куни эса ўқувчилар инглиз тилида фильм кўришади. Ҳар ўн беш дақиқадан сўнг мен уларнинг шу фильм ҳақидаги фикрларини сўрайман. Ҳафтанинг охирида ўқувчилар имтиҳон қилиниб турилади. Мени ажаблантирган нарса бу ёшларнинг интилувчанлиги ва ҳозиржавоблиги бўлди. Мен шуни ишонч билан айтишим мумкинки, бу ёшлар келажакда боболаридек машҳур инсонлар бўлиб, ёш Ўзбекистонни дунёга танитадилар ва Президентларингизнинг ишончларини оқлашади.

Фарҳод ОЛИМОВ,
Андижон тиллар педагогика институти IV-курс талабаси.

Фасллар орасида ёзнинг ўрни алоҳида. Айниқса, умрининг «беғубор болалик» дея мадҳ этилган бетакрор дамларини кечираётган болалар хурсандчилигини кўрганимизда бунга яна бир карра амин бўламиз. Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтига қарашли гимназия қошида ташкил этилган «Камалак» ўқув-дам олиш лагери болаликнинг энг бахтиёр лаҳзаларини ўтказса арзийдиган масканлардан бири.

Дониёр САМАДОВ олган сурат.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ – КОМИЛЛИК МЕЗОНИ

(Боши 1-бетда).

дрлар тайёрлаш борасида бирмунча тадбирлар амалга оширила бошланди. Республика Халқ таълими вазирлиги ҳуқуқий билимларни ўқитишни такомиллаштириш мақсадида педагогик ходимлар малакасини ошириш Марказий институтида тарих ва география ўқитувчиларини ўн ойлик курсларда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» ихтисоси бўйича иккинчи касб сифатида қайта тайёрлашни йўлга қўйди. Вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани ўқитувчиларини қайта тайёрлаш мунтазам равишда олиб борилмоқда.

А. Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ҳуқуқшунослик факультети «Ҳуқуқшунос-педагог» ихтисоси бўйича мутахассислар тайёрлай бошлади. Бу йил университетни ушбу ихтисос бўйича 10 киши битириб чиқди. Ўйлаймизки, мана шу жараён самарали ишлаб кетса, мактабларда ҳуқуқий таълимни тўлақонли олиб бориш имконияти туғилади.

Аммо биз бу узоқ давом этадиган жараённи кутиб ўтирмаслигимиз керак. Республикамиз Президенти И. А. Каримов мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда таъкидлаб ўтганларидек, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаси саналади.

Халқимиз ҳуқуқий демократик давлат қуришни олий мақсад қилиб олган экан, бундай жамиятнинг фуқароларини тарбиялаш, асосан, халқ таълими муассасаларининг бурчи бўлиб қолади. Бу эса ҳаммамизга ҳуқуқий таълимни янада такомиллаштириш масъулиятини юклайди.

Бундан келиб чиқиб вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида барча ўқитувчи-педагог кадрларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларга ҳуқуқий тарбия методикасидан сабоқлар бериш дастурини яратиш талаб қилинади.

Вилоят ҳокимлигининг халқ таълими бошқармаси «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани бўйича ўқитувчиларнинг навбатдан ташқари аттестациясини ўтказишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Умуман олганда барча тоифадаги ўқитувчи-тарбиячиларнинг ҳуқуқий билимларини қайта шаҳодат қилиш зарур. Биз ушбу масалаларни янги ўқув йили бошланиши билан ҳал этишни ният қилиб қўйганмиз.

Ҳуқуқий таълимнинг ТУРТИНЧИ БОСҚИЧИ — ўқувчиларнинг «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани бўйича олган билим даражаларини синовдан ўтказишдан иборат.

Мана, тўрт йилдирки, Республикамизда, шу жумладан, вилоятимизда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича олимпиада ўтказилмоқда. Жорий йилда уюштирилган вилоят олимпиадасида Каттақўрғон туманидаги 51-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Жамшид Содиқов 88 балл билан биринчи, Нарпай туманидаги 35-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Фарҳод Отақулов 76 балл билан иккинчи ўринни эгалладилар.

Ҳуқуқшуносликдан бўлиб ўтган вилоят олимпиадасида Ғузалкент, Оқдаре, Қўшработ, Нуробод, ҳатто Самарқанд шаҳри мактабларининг вакиллари ҳам энг паст қўрсаткичга эришдилар. Ушбу далиллар жойларда халқ таълими бўлимлари ва мактаблар раҳбарлари ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга етарлича эътибор бермаётганликларидан далолат беради.

Хўш, ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш учун қандай долзарб тадбирларни амалга ошириш зарур?

БИРИНЧИДАН, болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, лицейлар ва ҳунар мактабларида янги ўқув йилидан бошлаб ҳуқуқий таълим берилиши жиддий назорат остига олиниши керак.

ИККИНЧИДАН, ҳуқуқшунослик бўйича махсус йўналтирилган синфлар, гимназиялар ташкил этишимиз лозим. Уларни малакали юрист кадрлар билан мустаҳкамлаш зарур.

УЧИНЧИДАН, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига биз ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимларини, яъни малакали мутахассисларини кенг жалб қилишимиз лозим.

Ўйлаймизки, агар халқ таълими бўлими ёки мактаб маъмурияти бундай таклиф билан чиқишса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ҳеч қачон ўқувчи-ёшлар билан қонунчилик асосларидан машғулотлар ўтишни рад этмайдилар. Лекин ташвишланарли жойи шундаки, мактаблар директорлари бундай ташаббуслар билан камдан-кам чиқадилар. Зотан, малакали юристларнинг ўқувчилар билан савол-жавоб кечалари, давра суҳбатлари, ўзаро мулоқотлари қутилган натижаларни бериши муқаррар.

Ҳуқуқий таълимнинг ўзига хослиги шундаки, уни эски дарслик ёки кечаги манба билан юксак даражада ташкил қилиб бўлмайди. Чунки, Республикамиз мустақиллиги даврида қабул қилинган қонунларнинг ўзига муштарак жиҳатлари жуда кўп. Уларнинг айримларига замон талаби ва эҳтиёжи ҳисобга олиниб Олий Мажлис сессияларида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб турибди. Республикамиз Президентининг янги фармонлари ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинаётир. Уларнинг мазмун-моҳиятини, энг аввало, ўқитувчи-тарбиячиларга етказишимиз керак. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг биринчи шарти қонун, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилинадиган нашрларга, ҳеч бўлмаганда, ҳар бир халқ таълими муассасаси — ҳар бир мактаб, ҳар қайси болалар боғчаси, ҳунар мактаби ёхуд лицейи бир нусхадан обуна бўлиши зарур. Шундагина ўқитувчи-тарбиячилар жамоаси даврий қонунчилик билан тезкор хабардор бўлиш ва улар мазмунини ўқувчиларга тезкор ҳолда етказиш имкониятига эга бўлади.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, кўпгина таълим муассасалари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Хабарномаси», «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами», «Ҳаёт ва қонун» журнали, «Инсон ва қонун» газетасига 1997 йил учун обуна бўлишмаган. Ўз-ўзидан равшанки, даврий ҳуқуқий нашрларга обуна бўлинмагач, ҳуқуқий таълимнинг савияси ҳам шунга яраша бўлади.

Халқ таълими муассасаларида ҳуқуқий таълимнинг талаб даражасида бўлмаганлиги учун ҳам ўқувчи-ёшлар томонидан турли хил жиноятлар содир этиш, қонунбузарликларга қўл уриш ҳоллари учраб турганлиги бизни катта ташвишга солиб келаётир. Ёшлар содир этаётган ножўя ҳаракатлар уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти етарли даражада эмаслигидан далолат беради.

Шу йилнинг 5 ойи давомида вояга етмаганлар томонидан вилоят бўйича 101 та ҳар хил жиноятлар содир этилган. Уларнинг аксарияти мактаб, лицей ёки ҳунар мактабининг ўқувчиларидир. Бу тоифадаги шахслар томонидан содир этилган жиноятлар сони Ургут туманида 5 тадан 11 тага, Булунғур туманида 2 тадан 5 тага, Каттақўрғон туманида 4 тадан 7 тага, Челак туманида 1 тадан 2 тага, Паст Дарғом туманида 4 тадан 5 тага, Каттақўрғон шаҳрида 8 тадан 9 тага кўпайган.

Мактаб ўқувчиларининг оғир, ҳатто ўта оғир жиноятларга қўл уриши ҳоллари ҳам учраб тургани бизнинг ёшлар ҳуқуқий тарбиясига бўлган эътиборимизни янада кучайтиришимизни тақозо қилади. Шу ўринда нохуш бўлса-да айрим мисолларни келтириб ўтмоқчимиз.

Самарқанд шаҳридаги 32-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Сервер Менаблаев ўз маҳалладоши М. Қорабоеванинг уйига бостириб кириб, унинг 65 минг сўмлик тилла тақинчоқларини ва уй-рўзғор буюмларини ғиғилаб кетган. Ушбу жиноятнинг руй беришида 32-мактаб ўқитувчилар жамоаси ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбиясига етарли эътибор бермаётганлиги бош сабаб бўлган.

Ўтган йили Каттақўрғон шаҳридаги 14-ўрта мактабнинг 9-синфини тугатган Даврон Набиевга 38-ҳунар билим юртига ўқишни давом эттириш учун йўлланма берилган. Лекин, у ҳеч бир сабабсиз билим юртига бормаган. Мактаб ҳам, билим юрти ҳам унинг тақдири билан мутлақо қизиқмаган. Оқибатда Даврон шу йилнинг 22 апрель куни Каттақўрғон шаҳар Бобур кўчаси 14-уйга ёлланма меҳнатга келган Каттақўрғон режа-иқтисодиет коллежининг III курс талабаси Ўктам Муродуллаевнинг бошига тош билан уриб ўлдириб қўйган. Бу юз берган воқеани чуқурроқ таҳлил этилса, шу нарса маълум бўладики, педагогик жамоалар томонидан ўсмир тақдирига бефарқлик туфайли бир бегуноҳ талаба оламдан кўз юмган. Жиноят содир этган иккинчи ўсмирнинг ҳам бутун ҳаёти поймол бўлди.

Вилоят ҳокимлигининг халқ таълими бошқармаси мазкур таълим муассасалари жамоалари фаолияти ҳақида тегишли хулоса чиқарди. Шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимлари, мактаблар ва ҳунар билим юртларининг раҳбарлари ҳам бундай фожиали воқеалардан маълум сабоқлар чиқаришлари керак. Ўқувчи-ёшлар томонидан содир этилган ҳар бир жиноят ёки қонунбузарлик педагоглар жамоаларида атрофлича муҳокама қилиниши, танқидий кўз билан баҳоланиши ва келажакда унга ўхшаш ғайриқонуний ҳаракатларнинг ёшлар томонидан содир этилишининг олдини олиш чоралари кўрилмоғи лозим.

Янги ўқув йилидан бошлаб алоҳида эътибор ва назорат ҳунар мактаблари ҳамда лицейларида ҳуқуқий таълимни ташкил этишга қаратилиши зарур. Чунки, бу тоифадаги ёшларни баъзи бир мафкураси саёз ва нотоза шахслар жиноят йўлига бошлаб кетиб қолиши мумкин. Бунинг устига улар ишлаб чиқариш амалиётини ўташ жараёнида давлат ёки хусусий мулк билан бевосита муомалада бўладилар. Агар улар ўз фуқаролик бурчлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, масъулиятларни яхши англаб етмасалар, ўзлари фойдаланаётган мол-мулкни ўғирлаш, талон-тарож қилиш, бошқа шахслар бойлигига кўз олайтириш ҳиссиётини бошидан кечиришлари мумкин.

Мана, яна бир мисолни келтирмоқчимиз: 9-ҳунар мактабининг ўқувчиси А. Кацкин жиддий жиноий гуруҳга қўшилиб олиб бир йил мобайнида Самарқанд шаҳри ҳудудида 14 та ўғирлик содир қилган. Бу ерда ўз-ўзидан савол туғилади: «Наҳотки, ҳунар мактабининг маъмурияти ва муаллим-тарбиячилари А. Кацкиннинг бундай «одат»ларини вақтида — яна бир йил давомида сезмаган бўлса?» Зотан, бу фожиа ҳам таълим муассасаларида ёшлар тақдирига бефарқлик билан ёндашиш давом этиб келаётганлигини исботлайди.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида билдирган фикрларини такрорлайдиган бўлсак, «Ҳали суғиқ қотмаган фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, тарбияси, илми ва маданияти билан шуғулланмасак, келажакда уларнинг комил инсонлар бўлиб етишмоғига ким кафолат бера олади? Биз жамиятимиз, давлатимиз келажагини кимларнинг қўлига топширамиз?».

Халқ таълими тизимида олиб борилаётган ҳуқуқий таълимнинг БЕШИНЧИ БОСҚИЧИ бу ҳуқуқий таълим ва тарбия муаммоларини ҳамда вазифалари бўйича методик таъминот масаласидир. Бу масалага назар ташлайдиган бўлсак, аввало, 9-синфлар учун «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани бўйича дарслик етишмаслиги аён бўлади. Шу билан бир қаторда бошқа синфлар ўқувчилари билан ҳуқуқшунослик таълимини олиб бориш юзасидан ўқув ва услубий қўлланмалар, амалий ишланмалар йўқ.

Хулоса шуки, халқ таълими муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани ўқитувчиларининг услубий кенгашлари (семинарлари — тажриба алмашишлари) ҳам мунтазам тус олган эмас. Бу фан ўқитувчилари қонунларни ўзлари қандай тушунсалар, худди шундай билимни ўқувчилар онгига сингдириб келмоқдалар, баъзан бу борадаги давлат стандартларига амал қилмаяптилар.

Вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтининг раҳбарияти бундай вазиятга объектив баҳо бериб, ҳуқуқий таълим бериш услубиятини такомиллаштириш чораларини белгилаб олди. Бу — яхши, албатта. Лекин тезроқ амалий ишларни бошлаб юбориш керак.

Ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий таълими савияси, биринчи галда, ўқитувчиларнинг ҳуқуқий онги даражаси билан боғлиқ. Ҳали кўпгина муаллимлар, умуман, халқ таълими ходимлари ўзларининг конституциявий бурчлари, меҳнат мажбуриятлари ва ҳуқуқларини яхши билмайдилар. Бунинг натижасида ўз бурчларини талаб даражасида адо этмасдан ва бу айбни тан олмасдан ҳамма нарсада фақатгина раҳбарларнигина гуноҳкор қилиб кўрсатиб, юқори идораларга ариза, шикоят ёзиш билан овора бўлиб юрувчи муаллимлар ҳам топилади. Гоҳида ўқитувчи-тарбиячиларнинг ўзлари ҳам қонун бузилишларига қўл урадилар, маст ҳолда автомашина ҳайдаб, давлат автомобиль назорати ходимлари «назари»га тушадилар, йўл ҳаракати қоидаларини бузадилар. Айрим пайтлари газеталарда бундай муаллимларнинг исми фамилиясини ўқиб, хижолатта тушамиз.

Халқ таълими муассасаларида учраб турадиган педагог-ходимларнинг бундай ярамас иллатларига чек қўйиш чораларини кўриш вақти келди. Чунки, таълим-тарбия ишида, шу жумладан; ҳуқуқий таълимда ўқитувчи шахсининг намуна бўлиши ўқувчилар тарбиясида катта ижобий моҳият касб этади. Шундай экан ҳар бир ўқитувчи ўзининг қундалик фаолиятида қонун бузилишига йўл қўймаслиги, мактаб, лицей ёки боғча устави ва ички меҳнат тартиби қоидаларига оғишмай амал қилишлари шарт. Ушбу ШАРТ унинг доимий ҳаётий МАЖБУРИЯТига айланиб қолиши керак. Муаллим жамиятимиздаги ижтимоий муносабатларда, маҳалла-қўйда, тўй ва маъракада ўзининг қонунларга амал қилиши ҳамда ўзини тутиши билан шогирдларига ўрнак бўлиши керак.

Президентимиз айтганларидек, «Мамлакатда адолат тамойиллари амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларида қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда, ана шу уч субъект—давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, улар манфаатларининг бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-бободаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади». Бунинг учун фуқаролар, ўқувчи-ёшлар онгида давлат ва жамият тушунчаларини шакллантириш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бир қаторда давлат ва жамият олдидаги бурчлари ҳақидаги тўла тасаввурни тарбиялаш талаб қилинади. Шу боис халқ таълими бўлимлари, боғчалар, мактаб ва лицейлар педагогик жамоалари ҳуқуқий таълим-тарбия ишларини бевосита маънавий, маърифий ишлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб боришлари лозим. Бинобарин, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий маданият маънавиятнинг ажралмас бўлагидир.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини такомиллаштиришда маҳалла комитетлари, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Марказининг шаҳар ва туманлар бўлимлари, Узбекистон фахрийларининг «Нуроний» жамғармаси, Узбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси бўлинмаларини фаол жалб қилишимиз керак. Юртбошимиз томонидан халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни давлат сиёсати даражасига кўтариш вазифаси қўйилган экан, халқ таълими муассасалари ҳам мазкур улуғвор ишдан четда қолиб кетмаслиги зарур. Бу борада вилоят халқ таълими бошқармаси ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришнинг энг долзарб вазифаларини белгилаб олди.

Бу — БИРИНЧИДАН — ҳар бир шаҳар ва туман халқ таълими бўлими ҳамда вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ҳузурида «Ҳуқуқий маърифат методик марказ»ларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш вазифасидир. (Бундай методик марказда мактабгача тарбия муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳуқуқий таълим бўйича тарбиячи-муаллимларини мунтазам равишдаги семинар-кенгашларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир).

ИККИНЧИДАН — мактабларда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани ўқитилиши ҳамда ҳуқуқшуносликдан бўладиган факультетив машғулотлар савиясини энг юқори даражага кўтаришимиз шарт. Бунинг учун ўқувчи-ёшлар билан машғулотлар ўтказишга ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳуқуқшуносларини ҳамда халқ ҳужалиги тармоқларида ишлаб келаётган юридик маслаҳатчиларни жалб қилиш зарур.

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Кенгашининг шу йил 3 апрелдаги қарори («Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 февралдаги 91-сонли «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори) билан барча суд ва адлия идоралари ходимларига ўрта мактабларда ҳуқуқшуносликдан дарс бериш амалиётини ташкил этиш юклатилди. Вилоят ҳокимлигининг халқ таълими ва адлия бошқармалари ушбу ҳужжат асосида янги ўқув йилидан бошлаб суд ва нотариал идоралар, фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимларининг олий маълумотли ҳуқуқшуносларини умумтаълим мактабларидаги «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан дарс беришга жалб этиш масалаларини келишиб олдилар. Ўйлаймизки, бундай ҳамкорликдаги саъй-ҳаракат узининг самарасини кўрсатади.

УЧИНЧИДАН — ҳар бир болалар боғчаси, мактаб, лицей ва ҳунар мактабида «Ҳуқуқ ташвиқоти маркази» ҳамда «Ҳуқуқ ташвиқоти бурчаклари»ни ташкил этиб, қўргазмали ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш лозим.

ТУРТИНЧИДАН — барча халқ таълими муассасаларида даврий ҳуқуқий нашрларга обуна бўлишни ва қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни мужассамлаштиришни йўлга қўйиш талаб қилинади.

БЕШИНЧИДАН — умумтаълим мактаблари, лицейлар ва ҳунар мактаблари учун ҳуқуқий адабиётлар, дарсликлар ҳамда қўлланмаларни кўпроқ харид қилишимиз шарт. Айни пайтда аксарият мактабларнинг кутубхоналарида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани бўйича дарсликдан бошқа ҳуқуқий адабиётларни топиш қийин. Шунинг учун биз бу борада кенг қамровли ишларни олиб боришимиз тақозо этилади.

Мана шу воситалар ва йўналишлар орқали ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий таълимини тўбдан яхшилашимиз мумкин. Уларда қонунларга риоя қилиш борасидаги янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантира оламиз, давлат ва жамиятга нисбатан ҳурмат ҳиссини мустаҳкамлайми

КИТОБЛАР АҚЛ ФАРЗАНДАЛАРИДИР

... ҚОЛГАНИ СИЗГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Республика илмий-педагогик кутубхонаси республикамиздаги барча ўқитувчиларни ва халқ таълими ходимларини ўз китоб жамғармасидан фойдаланишга таклиф этади.

Педагогика, руҳшунослик ва бошқа фанлар бўйича ноёб адабиётларга эга бўлган кутубхона, китобхонларга шарқ педагогикаси анъаналарига бозор иқтисодиётига бағишланган адабиётларни мустақил республикамизнинг маънавий ва ижтимоий, иқтисодий йўналишидаги ютуқлари, шунингдек, жамиятимизнинг янгиланиш йўллари борасидаги изчил таклифларга эга бўлган ҳужжатларни, маркетинг ва менежмент бўйича замонавий маълумотномали адабиётларни таклиф этиш мумкин.

Китобхонларга ёрдам сифатида кутубхона томонидан даврий нашрларнинг жуда бой фонди тақдим этилган.

«Ўзбек тили ва адабиёти», «Халқ таълими», «Ўзбекистон химия журнали», «Ўзбекистон математика журнали», «Талаба», «Математика мактабда», «Биология мактабда», «ОАК расмий ахбороти», «Таълим даракчиси», «Ўқувчилар тарбияси», «Дефектология», «Мактаб директори», «Мактабгача тарбия», «16 ёшгача ва ундан катталар», «Мактабда чет тиллари», «Мактабда санъат», «Таълим дунёси», «Профессионал», «Руҳшунослик илми ва таълим», «Педагогика» ва бошқалар кутубхона ойномалари обунасининг асосини ташкил этади.

Китобхонларга ёрдам сифатида рўзномаларнинг 73 та ва ойномаларнинг 101 та номланиши ўзбек ва рус тилларида берилган.

Халқ таълими ходимлари ва мактаб ўқитувчилари учун «Биринчи сентябрь» рўзномасига ҳафтада бир маротаба бириктириладиган илова, айниқса, қизиқарлидир. Мактаб дастурининг асосий фанлари («Мактабни бошқариш», «Мактабда спорт», «Информатика») бўйича тайёрланган 17 та иловада, умумтаълим мактабларининг педагоглари ва раҳбарлари учун методик ва руҳий-педагогик изланмалар акс эттирилган.

Кутубхонанинг «Ўрта Осиёда иқтисодий ислоҳот ва тараққиёт» лойиҳаси ва шунингдек, Ҳиндистон маданият маркази билан ҳамкорликда олиб борган ишлари туфайли улар ноёб бўлган инглиз тилидаги бадиий маълумотномали адабиётларни кутубхонага тақдим этишди.

Кутубхонада мавжуд бўлган кўпайтириш техникаси ҳам китобхонларнинг ишини анча енгиллаштиради, унинг ёрдамида китобхонларни қизиқтириб қолган айрим ҳужжатларни, боб ва мавзуларни, парчаларни кўпайтириб олиш мумкин.

Кутубхона янги китобхонларни кутмоқда.

1997-1998 ЙИЛ УЧУН МУҲИМ ВА УНУТИЛМАС САНАЛАР ТАҚВИМИ

(Мактаб ва мактабдан ташқари муассаса ходимлари, ўқитувчилари ва кутубхоначиларига мўлжалланган).

1997 ЙИЛ

СЕНТЯБРЬ

1 — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни (1991).

2 — Билимлар куни. Янги ўқув йилининг бошланиши (1984).

— Ўзбек олими, математиги, педагог ва жамоат арбоби Т. Н. Қори Ниёзий (1897-1970) таваллудининг 100 йиллиги.

8 — Билимларни тарқатиш халқаро куни (1966).

17 — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, драматург Абдулла Қаҳҳор (1907-1968) таваллудининг 90 йиллиги.

28 — Қозоғистон ёзувчиси, олими Мухтор Авезов (1897—1961) таваллудининг 100 йиллиги.

ОКТЯБРЬ

1 — Халқ таълими ходимлари, ўқитувчилар ва тарбиячилар куни (1996).

9 — Испания ёзувчиси — Мигель де-Сааведра Сервантес (1517—1616) таваллудининг 450 йиллиги.

11 — Ўзбек миллий театрининг режиссёри, драматурги — Маннон Уйғур (1897—1955) таваллудининг 100 йиллиги.

21 — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган куннинг (1989) 8 йиллиги.

25 — Ўзбекистон халқ шоири Қуддус Муҳаммадий (1907—1997) таваллудининг 90 йиллиги.

НОЯБРЬ

3 — Рус ёзувчиси, болалар шоири, драматурги С. Я. Маршак (1887—1964) таваллудининг 110 йиллиги.

6 — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат арбоби Шароф Рашидов (1917—1983) таваллудининг 80 йиллиги.

7 — Ўзбекистон ёзувчиси, таржимон Назармат (Эгамназаров М. — 1917) таваллудининг 80 йиллиги.

13 — Ўзбекистон шоири, драматурги, таржимони Усмон Носир (1912—1952) таваллудининг 85 йиллиги.

18 — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланган куннинг (1991) 6 йиллиги.

25 — Испан драматурги Лопе-де-Вега (1562—1635) таваллудининг 435 йиллиги.

30 — Инглиз ёзувчиси Жонатан Свифт (1667—1745) таваллудининг 330 йиллиги.

ДЕКАБРЬ

— Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги.

— Ўзбек шоири ва мутафаккири Бобораҳим Машраб (1657—1711) таваллудининг 340 йиллиги.

— Қорақалпоқ шоири Бердақ (Бердимурод Қарғабой ўғли (1827—1900) таваллудининг 170 йиллиги.

— Ўзбек шоири, бахшиси — Комил Муҳаммад Исмоил Девоний (1887—1937) таваллудининг 110 йиллиги.

— Шоир, файласуф — Паҳлавон Маҳмуд таваллудининг 750 йиллиги (1247—1326).

8 — Ўзбекистон Республикаси Давлат Конституцияси қабул қилинган кун (1992).

10 — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинганлигининг 5 йиллиги (1992).

24 — Ўзбекистон шоири Пўлат Мўмин (Мўминов Пўлат — 1922) таваллудининг 75 йиллиги.

31 — Ўзбекистон халқ шоири, драматург, педагог — Ғайратий (1902—1976) таваллудининг 95 йиллиги.

1997 ЙИЛДА:

— Ўзбекистон шоири ва адиби — Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон ўғли, 1897—1938) таваллудининг 100 йиллиги.

— Нодира (Моҳларойим, 1792—1842) таваллудининг 205 йиллиги.

1998 ЙИЛ.

ЯНВАРЬ

1 — Янги йил байрами.

14 — Ватан ҳимоячилари куни (1994).

22 — Инглиз шоири Жон Гордон Байрон (1788—1824) таваллудининг 210 йиллиги.

30 — Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг (1938) таваллуд куни.

ФЕВРАЛЬ

9 — Ўзбек халқ шоири Алишер Навоий таваллудининг 557 йиллиги.

14 — Ўзбек шоири, давлат арбоби, олими — Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) таваллудининг 515 йиллиги.

МАРТ

2 - Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлган кунининг 6 йиллиги (1992).

8 — Халқаро хотин-қизлар куни.

21 — Наврўз байрами.

АПРЕЛЬ

1 — Кулги ва ҳазил-мутойиба куни.

2 — Халқаро болалар китоби куни. Бу кун Ханс Кристиан Андерсеннинг (1805—1875) таваллуд куни билан бирга белгиланади.

7 — Бутун жаҳон саломатлик куни.

9 — Амир Темурнинг (1336—1405) таваллуд куни.

12 — Бутунжаҳон космос ва авиация куни (1962).

15 — Ўзбек-тожик ёзувчиси, академик Садриддин Айний (1878—1954) таваллудининг 120 йиллиги.

18 — Ўзбекистон ёзувчиси, драматурги Шуҳрат (Алимов Ғулом Алимжонович 1918—1988) таваллудининг 80 йиллиги.

21 — Улуғбек номли Тошкент Давлат университети ва Фундаментал кутубхонаси ташкил топганига (1918) 80 йил тўлади.

26 — Халқаро биродарлашган шаҳарлар куни.

МАЙ

9 — Ғалаба байрами (1945).

10 — Ўзбекистон шоири, академик Ғофур Ғулом (1903—1966) таваллудининг 95 йиллиги.

13 — Ўзбекистон халқ артисти, хореограф, балетмейстер Мукаррама Турғунбоева (1913—1978) таваллудининг 85 йиллиги.

18 — Тожик шоири ва мутафаккири Умар Ҳайём (1048—1122) таваллудининг 950 йиллиги.

20 — Ўзбекистон ёзувчиси, жамоат арбоби Сарвар Азимов (1923—1994) таваллудининг 75 йиллиги.

ИЮНЬ

1 — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни (1949).

5 — Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни (1972).

6 — Александр Сергеевич Пушкиннинг хотираси ва поэзияси куни.

ИЮЛЬ

6 — Бутун жаҳон ядро қуроллигини тақиқлаш куни (1945).

11 — Ўзбек драматурги ва жамоат арбоби А. А. Бобохонов (1938) таваллудининг 60 йиллиги.

28 — Рус ёзувчиси ва маърифатпарвари Лев Николаевич Толстой (1828—1910) таваллудининг 170 йиллиги.

1998 ЙИЛДА:

— Улкан олим ва мутафаккир Муҳаммад ал-Хоразмий таваллудининг 1215 йиллиги (783-850).

— Улкан олим ва маърифатпарвар Абу Наср Форобий (873—950) таваллудининг 1125 йиллиги.

— Ўзбек демократ шоири, маърифатпарвари Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1858—1909) таваллудининг 140 йиллиги.

— Ўзбек маърифатпарвари, жамоат арбоби Мунаввар Қори (1878—1931) таваллудининг 120 йиллиги.

1997-1998 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МУМКИН БЎЛГАН КИТОБ КЎРГАЗМАЛАРИ ВА ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ МАВЗУЛАРИ

(Мактаб кутубхоначиларига ёрдам сифатида)

1. Буюк ва инсонпарвар (Амир Темур таваллудига).

2. Мустақиллик, демократия ва тараққиёт йўлида (Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллигига).

3. Халқ анъаналарига садоқат.

4.Тил ҳақидаги қонун ва ҳаёт (Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили қабул қилинган кунига).

5. Самимият ва шафқат куни (Наврўз байрамига).

6. Қадим ўлкалар афсонаси (Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги).

7. Шон-шараф гулчамбари (Ғалаба байрамига).

8. Таълим — маънавият ва маърифат асоси.

9. Таълим, илм, ишлаб чиқариш — бир мақсад бўғинлари (Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури).

10. Ҳам меҳнат, ҳам илҳом (Ўзбекистон Республикаси ўқитувчилари ва мураббийлари кунига).

11. Мактабга оқ йўл (Ўқув йилининг бошланишига).

12. Биринчи дарс — мустақиллик, тинчлик ва дўстлик дарси.

13. Сайёрамиз келажаги (Халқаро болаларни муҳофаза қилиш кунига).

14. Миллий маданият негизида шахснинг ривожланиши.

15. Ўзбек адабиётида маънавий шеър.

16. Мактаб таълимида этика ва ҳуқуқ (Ёшларда маънавий-ҳуқуқий хусусиятларни тарбиялаш).

17. Информатика курсининг имконият ва истиқболлари.

18. Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчининг мустақил таълим олиши.

19. Бошланғич синф ўқувчиларининг индивидуал хусусиятларини ўрганиш.

20. Биргаликда вояга етказиш, ўқитиш ва тарбиялаш (Оила, жамоа, мактаб).

21. Табиат — эҳром, устахона ва уйимиздир (Бутун жаҳон атроф муҳитни муҳофаза-қилиш кунига).

22. Соғлом ҳаёт кечиришга ўргатишнинг асосий тамойиллари.

23. Шеъриятим барчага лозим эрур (А. Навоийнинг таваллуд кунига).

24. Ўзбек шоирининг жасорати (Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги).

25. Маърифат поғоналари (А. Авлоний таваллудининг 120 йиллигига).

26. Халқ билан бир йўлдан борган... (Ғафур Ғулом таваллудининг 95 йиллигига).

27. Истеъдодга сиғиниб (А. Қаҳҳор таваллудининг 90 йиллигига).

28. Кичкинтойларнинг севимли шоири (Пўлат Мўмин таваллудининг 75 йиллигига).

29. Ёзувчи ва олим (Садриддин Айний таваллудининг 120 йиллигига).

30. Содиқ ва доно дўст (Мухтор Авезовнинг 100 йиллик таваллудига).

31. Асрлар севган инсон (Умар Ҳайём таваллудининг 950 йиллигига).

Мутоалаа завқи...

КИТОБХОН КЎПАЙСИН ДЕСАНГИЗ...

Таълим-тарбия соҳасида вужудга келган муаммолар, болалар ва ўсмирлар ёшидаги турли жиҳатлар ҳар бир мактабда умумий талабларга жавоб берадиган, дарс ва дарсдан ташқари ўқув машғулотларида фойдаланиладиган китобларга эга бўлган махсус фонд ташкил этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг, ўқитувчилар ва куни узайтирилган гуруҳ тарбиячиларининг, барча педагогик жамоа аъзоларининг турли китобларга, маданий ва маърифий маълумотларга бўлган талабларини қондириш учун ушбу фондда барча соҳалар ҳақида билим берувчи китоблар бўлиши лозим.

Китоб фондини зарур китоблар билан бойитиш жараёнида қуйидагиларга амал қилиш керак: аввало жамиятга жисмонан ва ахлоқан соғлом, маълум бир мақсадни кўзлайдиган, жавобгарликни ҳис қиладиган, ватанпарварлик туйғусини ҳис этадиган авлод керак. Фонд шу жараённи шакллантирадиган китобларга эга бўлиши лозим.

Умумтаълим мактаблари кутубхонасининг асосий фондини ўқувчиларни қизиқтирадиган муаммоларга бағишланган китоблар эгаллаши керак. Улар ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлайдиган, ёмон одатларнинг (чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, наркотик моддалар истеъмол қилиш ва ҳоказо) зарари ҳақида ҳикоя қиладиган турли замонавий билимлар, муомала маданияти ва ўз-ўзини тарбиялашга оид, узаро муносабат ва ахлоқий муносабатларга бағишланган бўлиши даркор. Шу билан бирга фондда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш бўйича тозалик ва овқатланиш режими, ўқув ва меҳнат жараёни, спорт гигиенаси ҳақидаги турли китоблар бўлиши керак.

Кутубхона фондининг асосий қисми инсонни ҳар жиҳатдан руҳий озиқлантирувчи ва тарбияловчи бадиий адабиётлар билан бойитилади.

Юқорида таъкидланган фикрлардан келиб чиқиб, умумтаълим мактаблари раҳбарларининг, кутубхона ходимларининг диққатини китоб фондини тўлдириш ва қандай фойдаланиш муаммоларига қаратиш керак.

Мактаб кутубхонаси фондини тўлдиришда турли манбалардан фойдаланиш мумкин:

— мактаб кутубхонасининг китоб фондини адабиётлар билан тўлдирувчи асосий манба кутубхона коллекторидир;

— қишлоқ хўжалиги агросаноат корхоналарининг ва бирлашмаларининг, жамоа ва фермер хўжаликларининг, саноат ва қурилиш ташкилотлари, маданият фонди ва бошқа турли бошқармаларнинг оталиқ ёрдами орқали;

— баъзи шахсларнинг ўз кутубхоналаридан тақдим этган китоблари эвазига;

— шахслар томонидан йўқотилган китоблар ўрнига қабул қилинган китоблар; (Нашр этилган китобларни сақлаш тартиб-қоидалари ва кутубхона фондига тегишли материалларни асраш ҳақида йўриқнома, кутубхонанинг китоблар ва информацион-маълумотнома фондини асраш ва фонднинг мукаммаллигини сақлаш учун жавобгарлик тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Халқ таълими вазирлиги (4 январь 1996 йилги № 12-01-30) 7-қарорига асосан келишилган ҳолда 16 январь 1996 йилда қабул қилган № 4-қарори;

— макулатура эвазига келган маблағ асосида мактаб китоб фондини бойитиш;

— Республикамиз Мустақилликка эришгач, чет эллар билан маданий алоқалар тикланди. Тошкентда фаолият кўрсатаётган чет эл маданият марказлари Халқ таълими тизимидаги кўплаб кутубхоналар билан мустаҳкам алоқада бўлиб фондни чет эл адабиётлари билан бойитмоқдалар;

— мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари томонидан кутубхонага ҳадя этиладиган турли китоблар;

— биринчи синф ўқувчиларининг ота-оналари томонидан синфдан ташқари ўқиш учун тақдим этилган адабиётлар. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, мактаб кутубхонаси фаолиятидаги хусусиятлардан бири — ота-оналар билан буладиган доимий мулоқотдир;

— боланинг оиладаги тарбиясига азалдан катта эътибор билан қаралади ва кутубхона ходимлари ҳам ўз навбатида ота-оналарга ушбу муаммода ёрдам берадилар.

Шу мақсадда турли мазмундаги ишларни олиб бориш мумкин: ота-оналарни кутубхона фаолияти билан таништириб бориш, уларнинг эътиборини ўқувчилар таълим-тарбиясига, болалар ва ўсмирларнинг ўқишларига жалб этиш даркор. Ота-оналар билан ҳамкорликни ўқув йилининг бошидаёқ йўлга қўйиш керак; ота-оналар билан ўтказиладиган илк йиғилишда болалар ва ўсмирларнинг энг яхши адабиётлари ҳамда тарбия муаммолари ҳақида методик қўлланмалар кўргазмасини ташкил этиш лозим. Шунингдек кўргазмада адабиётларни таҳлил этиш, уларнинг тарбиявий хусусиятларини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Боланинг адабиётларни танлашига, ўқиб фикрлашига раҳбарлик қилиш ҳақида алоҳида сўз юритиш, ўқиш маданиятини шакллантириш йўлларини ўргатиш керак.

Ота-оналар билан буладиган суҳбатда, уларнинг эътиборини фақат синфдан ташқари ўқишга қаратмасдан, балки фонддаги дарсликларни сақлаш муаммоларига ҳам қаратиш керак.

Умумтаълим мактаблари кутубхонасидаги китоб фондини бойитишнинг турли шаклларини тавсия этиш билан бирга, йирик ва бошқа турли тизимдаги кутубхоналарнинг китоб фондларини жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг турли тизимларини ҳисобга олса мақсадга мувофиқ булади. Нафақат ўқувчиларга, балки халқ таълимининг барча ходимларига хизмат кўрсатувчи кутубхоналарнинг кенг тарқалган тармоғи — мактаб кутубхоналаридир. Аммо мактаб кутубхона фондларининг тақчиллиги, мактаб кутубхонаси ходимларининг етарли малакага эга эмаслиги, китобхонларнинг турли хил талабларини қондиролмайди.

Ушбу камчиликлар, ўқувчиларга ва педагогларга хизмат қилувчи ҳар хил тизимдаги кутубхоналарнинг узаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашни талаб этади. Бундай ҳамкорликдаги иш турларидан бири сифатида, ўқитувчи ва ўқувчиларга кутубхоначилик хизматини кўрсатиш бўйича кутубхоналараро ягона режа тузишни кўрсатиш мумкин. Ушбу режа ўқувчилар ва ўқитувчиларга хизмат кўрсатувчи ҳар бир кутубхонанинг биргаликдаги иш даражасини, роли ва ўрнини белгилаш имконини беради.

Педагогларга кутубхоначилик-библиографик хизмат кўрсатишни мувофиқлаштиришнинг асосий йўналишларида, маълумотнома-библиографик ва оммавий ишлар мазмун ва шакл жиҳатдан бир-бирига мос келиши шарт.

Мактаб кутубхоналари ишини мувофиқлаштирувчи ташаббускор бўлим дарсликларнинг кутубхона фонди бўйича бевосита назорат қилувчи методисти ёки адабиётларга ишлов бериш ва тўлдириш бўлими, туман-шаҳар халқ таълими булимининг метод кабинети қошидаги кутубхона ёки мактаб дарсликларининг кутубхона фонди бўйича методисти раҳбарлигидаги мактаб кутубхонаси метод бирлашмаси бўлиши мумкин.

Кутубхоналар фаолиятида ўқитувчиларга кутубхоначилик-библиографик хизмат кўрсатиш ишини мувофиқлаштириш тизимига қуйидагилар кириши мумкин:

— оммавий катталар ва болалар оммавий кутубхоналари;

— педагогика ўқув юртларининг кутубхоналари;

— касб-ҳунар билим юртларининг кутубхоналари;

— туман-шаҳар халқ таълими булимининг метод кабинети кутубхонаси;

— умумтаълим мактабларининг кутубхоналари.

Ўқитувчиларга хизмат кўрсатишда кутубхоналар доимо мактаблар билан яқин мулоқотда бўлишлари лозим. Шаҳар ёки тумандаги барча мактабларни маълум бир кутубхонага бириктириб қўйиш мумкин, улар ўз навбатида педагоглар жамоаси билан доимий иш олиб бориш мажбуриятини олишади. Мисол учун, ўқитувчилар метод бирлашмасидан доимий равишда битта ахборот берувчи белгиланиши керак ва у ўз навбатида, бирлашмага таллуқли адабиётлар ва библиография ҳақида мунтазам маълумот бериб туради. Базасида ахборот берувчиси бор бўлган кутубхоналар учрашувга олдиндан тайёрланадилар ва баъзи предметларни ўқитишга ёрдам берадиган янги адабиёт ва библиография билан ўқитувчиларни таништирадилар. Ахборот берувчилар ҳам, ўз навбатида белгиланган кунларда, мунтазам равишда кутубхонага боришлари; адабиётлар ва янги нашр этилган китоблар номи билан танишишлари; мактаб ўқитувчилари билан доимо суҳбатлар ўтказишлари, рўйхатлар тарқатишлари, ҳар бир ўқитувчи билан фикр алмашиб ўз вақтида ахборот бериб туришлари шарт.

Ушбу тадбирларнинг доимийлигини ҳар бир кутубхона учун алоҳида белгилаш керак, аммо маълумот бериш ойда бир мартадан кам ўтказилмаслиги лозим.

Иш турининг яна бир шакли қуйидагича бўлиши мумкин:

— ўқитувчиларни қизиқтирадиган янги адабиётлар билан таништириш мақсадида мактабларда сайёр кўргазмалар ташкил этиш мумкин. Улар V-VII кун давом этиши лозим. Шу вақт мобайнида ўқитувчилар адабиётлар билан танишадилар, керакли китобларнинг рўйхатини тузишга ва уларга суровномалар беришга улгурадилар.

Ўқитувчиларга хизмат кўрсатадиган барча кутубхоналар, шаҳар, туман халқ таълими бошқармалари томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда фаол қатнашишлари лозим. Ўқитувчиларнинг кенгаш, анжуман ва шўъба машғулотларида адабиётларнинг очиқ кўргазмасини, библиографик нашрлар рўйхатини, «Ахборот кунлари» ва бошқа тадбирларни қўшиб ўтказиш лозим.

ХТХМОМИ кутубхонаси мактаб ўқитувчилари учун асосан педагогик адабиётлардан иборат китобларни ҳалқали почта ҳаракати орқали юбориш мумкин.

Китобхонларни кутубхонага жалб этиш мақсадида Марказий кутубхоналар билан мактаб кутубхонасининг ўзаро ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ва шу асосда мактабда фонд орқали китобларни тарқатиш пунктини тузиш мумкин. Фондлаги китоблар асосан марказий кутубхоналардан олиниб мазмунан таълим-тарбия соҳасига яқин бўлиши шарт.

Ушбу кутубхона пунктлари мактаб директорининг рухсати ва кутубхона маъмурияти билан келишилган ҳолда ташкил этилади. Китоб тарқатувчи пункт фонди одатда унчалик катта бўлмайди ва доимий равишда адабиётлар билан янгиланиб туради.

Китобхонлар билан мунтазам алоқада бўлиш учун кутубхона ўқув кабинетларида, куни узайтирилган гуруҳларда, мактаб лагерларида ўз тармоғини ташкил этиш керак.

Синф кутубхоналари — бошланғич синф раҳбарлари, ўқув предмети ўқитувчилари, куни узайтирилган гуруҳ тарбиячилари билан келишилган ҳолда ўқув кабинетининг қайси фан асосига мўлжалланганлигига қараб ташкил этилади. Синф кутубхоналарини ташкил этишни фаоллаштириш мақсадида синфлар ўртасида йиғилган китобларнинг ҳажми ва миқдори, ўқув жараёни учун зарурлиги бўйича мусобақалар ўтказиш, энг қизиқарли нашрлар тўғрисида библиографик суҳбатлар уюштириш лозим.

Maktab kutubxonasiga

КАТТАЛАР ҲАМ ЎҚИЙВЕРСИН...

Шарқнинг қадимий халқларидан ҳиндлар адабиётига мансуб бўлган «Ҳитопадеша»да эзгулик, софлик, ҳурмат, илм-маърифатга интилиш, ростгўйлик ва жасурлик каби фазилатлар ҳақидагина эмас, уларга қарши бўлган хиёнат, ғиғо, разолат каби нуқсонлар ҳақида ҳам ҳикоятлар берилган. Бу ҳикоятлар фақат ёшларни эмас, катталарни ҳам қизиқтира олади.

Асарнинг яна маъқул келган битта томони, унинг тушунарли, равон тилда ёзилганлиги бўлса, иккинчиси воқеаларнинг мажозий қаҳрамонлари томонидан сўзлаб берилганлигидир. Бу икки ҳолат асарга ўқувчини жалб қила олади, унинг ўқишлилигини таъминлайди. Ушбу дидактик асар ёшларни тарбиялаш борасидаги энг яхши қўлланмалардан. Сўзимиз исботи сифатида «Ҳитопадеша»нинг XX асрнинг ўзидаёқ уч марта рус тилида нашр этилганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя қилса керак. Ҳар бир асар ўзи яратилган даврнинг «ойнаси» бўлади. Бу фазилатдан «Ҳитопадеша» ҳам ҳоли эмас. Китобни ўқиб туриб инсонга хос бўлган яхши-ёмон фазилатларнинг ҳамма замонларда ўзгармас бўлишига яна бир карра ишонасиз.

Ҳа, дарвоқе, асарнинг ютуқлари ҳақида гапирибмизу унинг бугунги ўзбекча, яъни биз бугун ўқиётган нусхаси учун анча тер тўккан таржимон — Ансориддин Иброҳимовнинг хизматларини унутиб қўяёзибмиз. Асар ғоят содда ва равон тилда таржима қилинган. Таржимоннинг ютуғи шундаки, у ҳинд ибораларини, ҳикматларини асл ўзбекча ибораларга алиштира олган. Бу эса таржимоннинг моҳирлигидан дарак беради.

Гапнинг қисқаси, асар катта маърифий аҳамиятга эга. Уни ҳиндлар беҳудага «илму ҳикмат хазинаси» деб аташмаган.

Гулноза МЎМИНОВА.

РАНГЛАР ҲАЙРАТИ



Оллоҳ инсонга ақл ва идрок, истеъдод берди. Уни қанчалик тарбиялаб, такомиллаштириш ёхуд аксинча — ҳавога совуриш одамнинг ўз инон-ихтиёридадир. Агарки киши ўзига ато этилган имкониятлардан тўла фойдалана олса, ҳаётда бахтли-саодатли, аксинча, уни хор қилса, ўзида хор бўлади. Шу маънода инсонларнинг қадри ҳам аввало ўз қадрига етган-етмаганлигига қараб пасту баланд бўлади. Биз эса ҳаётда ўзининг ҳалол меҳнати билан обрў топаётган заҳматкаш инсон билан танишдик. Бу киши халқимиз севган рассом Ортиқали Қозоқовдир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ортиқали Қозоқовни Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотига тавсия этди. Рассом ҳақида, унинг ижоди хусусида кейинги вақтларда мамлакатимиз матбуотида, радио ва телевидениесида халқ рассомлари, таниқли журналист, шоир ва адибларнинг қатор мақола, интервью ва очерклари эълон қилинди ва қилинмоқда. Биз «Минг эшитгандан кўра, бир кўрган афзал» ҳикматига амал қилиб, рассомнинг пойтахтдаги кўп қаватли уйлардан бирининг тепасида жойлашган ижод устахонасида бўлдик. Бу ерга қилган ташрифимиздан асосий мақсад, кундан-кунга элимизга машҳур бўлиб кетаётган рассом О. Қозоқовнинг ўнлаб чет элда ва мамлакатимизда намойиш этилган ижодий кўргазмалари ва ўзи ҳақида яна бир расмий мақола битиш эмас, балки анчадан буён мукаммал санъат асарларига ташна кўнглимизни ранглар жилосидан баҳраманд этиш эди.

Камтарона устахонада биз аввал матбуотда эълон қилинган санъат асарлари билан бир қаторда янги, эндигина расм тахтасидан олинган картиналарни ҳам кўришга муяссар бўлдик. Назаримда Ортиқали Қозоқов ишлаган катта-кичик полотноларда бир бутун мантиқий узвийлик, турли ранглардан бирикиб, янгича, биз ҳали ном қўйиб улгурмаган ранглар жилоси бор. Улардаги жозиба, бўёқнинг сеҳрли кучи томошабинни бефарқ қолдирмайди. Рассом услубининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у яратган асарларда миллийлик ва минтақавий, айтайлик, Марказий Осиё калоритига мос бўлган ранглар кўпроқ кўзга ташланади. Буни рассомнинг «Абадий руҳ», «Бахт кошонаси», «Байрам олдидан» ва «Кўк туя» асарларида кузатишимиз мумкин.

О. Қозоқов ишлари муваффақиятининг асосий сирларидан бири яна шундаки, рассом миллий рассомчилигимиз анъаналарини Ғарбда дунёга келган рассомчилик йўналишидаги модернизм услуби билан синтез қилади. Натижада биз учун ҳали нотаниш бўлган услубда янгича пейзажлар, нартюморт ва портретлар дунёга келади. Уларни бир қарашда англаш қийин. Сабаби, расм-ранглар ёрдамида фалсафа сингдирилади. Бу фалсафа биз учун яхши таниш бўлган ҳаёт фалсафасидир. «Мангулик», «Турмуш остонасида», «Кулфат ҳайқириғи» ва «Бахт карвони» каби нодир санъат асарлари шулар жумласидандир.

Биз рассом ижодхонасида бўлганимизда ҳали бўёқ ҳиди анқиб турган бир қатор янги ишлар билан ҳам танишдик. Рассомнинг «Зебу зийнатлар аро» учлиги, «Армон» картиналарида эзгулик ва ёвузлик бир-бири билан ёнма-ён туради. Буларни ифодалашда ўзига хос ранглардан фойдаланилган. Айниқса «Зебу зийнатлар аро» учлигидан ўрин олган бир картинада ота-ўғил усталар тасвирланади. Ота уста ўқ-ёй, камон ва найза ясаса, ўғли фақат эзгулик йўлида фойдаланилувчи анжомлар ясайди. Ёвузлик ва эзгуликни қарама-қарши ифодаловчи рассом яна бир муҳим жиҳатни назардан қочирмайди: иккала уста ҳам ўз юмушларини меҳр билан бажариб, ясаётган анжомларини янада гўзал қилишга, унга турлича зеб-зийнат беришга интиляптилар. Бу эса инсоннинг гўзалликка ошнолигидан далолатдир...

Рассом ижодхонасидан чиқар эканман, руҳим енгиллашиб, кайфиятим барқарор ҳолатга келган эди. Мана, ранглар онаси — Қуёш ҳам ўз уйи томон оға бошлабди. Мен эса шунча вақт беғубор ранглар оламига шўнғиб кетибман. Аммо, ўтган бу дақиқалар мен учун ҳайрат лаҳзалари бўлиб қолган эди.

Норали АСЛОН.





Суратларда: «Камолиддин Беҳзод» («Руҳият наққоши») портрети, «Кўк туя», «Зеб-зийнатлар аро» учлигидан лавҳа.

Суратлар муаллифи Машраб НУРИНБОЕВ.

Xullas...

ЭҲ, ВАСЬКА, ВАСЬКА

Воронежлик Васька туппа-тузук «пиён»га айланиб қолди! «Ия, у ёқларда «пиён»га айланмаган қолибдими», дея ажабланаётгандирсиз? Ҳамма гап шундаки, Васька, бу... мушук! Ҳа, хўжайини уни туппа-тузук ароққа ружу қўйдирди. Оқибатда, Васька ҳар куни саҳарлаб «дом»даги хоналар эшигини тақиллатиб, тимдалаб, тинимсиз миёвлаб бош оғриққа «қиттак-қиттак» сўрайдиган бўлиб қолди. Ўша теварақда яшовчилар бу аҳволга аллақачон кўникишган. Энг қизиғи, Васькаларнинг қаршисида яшовчи Р. Лозановлар хонадонига меҳмон келган куни юз берди. Ўша куни саҳар чоғи одатдаги эшик тимдаланиши ва мушук миёвлаши эшитилди. Р. Лозанов вазиятни дарҳол англаб, меҳмонлар келтирган, дунёдаги энг тоза ароқ, дея тан олинган «Реал» ичимлигидан бир стаканга қуйиб ташқарига олиб чиқди. Буни қарангки, Васька «тоза»ни ҳидлаб кўрдию ичмади! Бу ҳам бўлса, жониворнинг чинакам «алкогол»ларга хос қилиғи эди.

СУВ ОСТИДА ОМБОР

Японияннинг Сиво кўли йил давомида ҳарорати ўзгармовчи муздек суви билан машҳурдир. Японлар эса кўлдан ҳам машҳурроқ тиниб-тинчимас халқ. Қарангки, улар шу кўлни ҳам ўз ҳолига қўйишмади. Айни кунда махсус мутахасислар ана шу кўл остида катта миқдордаги гуруч маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган омбор қуришга киришиб кетдилар. Тахминларга қараганда, пластик қопларга солинган гуруч кўл тубида уч йилгача бузилмай турар экан...

УНИНГ ДЎСТЛАРИ... ЧАЁНЛАР

Индонезиялик Сепан исмли киши Жакардо савдо марказларидан бирида одамлар кўз ўнгига қўйилган катта шиша идишда чаёнлар билан бир ой яшади. Унинг фикрича, агар чаёнларга зарар етказилмаса, улар ҳам ҳужум қилишмас экан. Сепан сўзини исботлай туриб, одамлар кўз олдида чаёнларни ҳовучлаб бошидан қўйиб, ҳаммани ҳайратга солди. Сўнгра бир чаённинг бошидан атайлаб андак босганди, шу заҳотиёқ оёғига ўткир ниш суқилди. Бироқ Сепан ўзининг махсус дориларидан суркаб, чаён чаққан жойини зарарсизлантирди.

...ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ЎЗБЕК ПОЛВОНИ ҒОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА

Яқинда Хитойнинг Янгшоу шаҳрида оғир атлетика бўйича Осиё биринчилиги мусобақаси ниҳоясига етди. Унда 12 та мамлакат полвонлари ўзаро беллашдилар. Терма жамоа аъзоси Игорь Халилов ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди.

НУРЧИЛАРГА ТУҲФА

Ниҳоят, Бухоро вилояти электр тармоқлари корхонаси нурчиларининг узоқ йиллик орзулари амалга ошди. Сабаби, улар усти ёпиқ, мармар ва кошинлар билан безатилган ўз спорт мажмуаларига эга бўлишди. Бу ерда ҳатто болажонлар учун алоҳида сузиш ҳавзалари ҳам бор.

КАТТА МУРАББИЙ — ХАЛҚАРО ҲАКАМ

Тошкентдаги Республика болалар ва ўсмирлар олимпиада резерви мактабининг катта мураббийси Григорий Бугаковга Халқаро сув спорти уюшмаси — ФИНА қарори билан халқаро ҳакам мақоми берилди. Энди у 2000 йилгача Ўзбекистон номидан турли нуфузли мусобақаларда ҳам ҳакамлик қилади.

ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРДА

Индонезияда «Президент кубоги учун» бокс бўйича анъанавий XVIII халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Беллашувда 20 мамлакатдан 23 та терма команда иштирок этди. Юртдошларимиздан Темур Иброҳимов, Темур Сулаймонов ва Тўлқин Турғуновлар мусобақа чемпиони бўлишди. Шундай қилиб ўзбекистонлик боксчилар Индонезия президенти кубогини қўлга киритишди.

ИБОДАТХОНАДА ЎҒИРЛИК

Японияннинг Негайо шаҳрида сумо бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда кумуш медални қўлга киритган америкалик машҳур курашчи Акебонани куппа-кундуз куни япон ибодатхоналаридан бирида тунаб кетишди. Маълум бўлишича, мезбонлар уни 4 миллион йен (34000 доллар)га чув туширгган.

Hajviy she'rlar

БИТИРУВЧИЛАР «КЕЧАСИ»ГА

Бир мактабда бўлиб ўтди,
Битирувчилар кечаси.
Икки синф, ҳамда келди
Маҳалланинг барчаси.
Ота-она, қишлоқнинг
Кўп одами бўлди жам.
Бу ердаги тантана
Тўйдан қолмасди ҳечам.
Қўйилди ҳар столга
Коньяк, шампан ва ароқ.
Ичиб олган устозлар
Юрарди кайфи тарақ.
Бадмаст муаллим
шогирд-ла
Тушар эди ўйинга.
Бир-бирин ялаб-юлқаб,
Осилишиб бўйнига.
Микрофоннинг овози
Тўрт тошга эшитилар.
Даврабоши эзилиб
Ёшларга омад тилар.
«От ўйин»ни бир йигит
Видеога оларди.
Мастлар гоҳо бир-бирин,
Уриб, сўкиб қоларди.
Ёш йигиту қизларга
Ҳеч ким бермас эътибор.
Қизларнинг ҳам ярмиси
Ичиб бўлганди «тайёр».
Кеча баҳона кўплар
Роса ичиб, яйрашди.
Айтиб тузсиз гапларни
Микрофонда «сайрашди».
Базм шундай чўзилди,
Резинкадай тонггача.
Ухламади шу куни
Кекса, ёш-ялангача.
Беш-олтита отарчи
Роса «еди» қулоқни.
Кўп ичишда директор
Олиб кетди «улоқ»ни.
Кириб ариқ ичига
«Учиб» қолди нечаси.
Шунақа «нишонланди»,
Бир битириш кечаси.

Ўткир САИДОВ, Самарқанд вилояти, Иштихон тумани.

«СОДДА» ЙИГИТ

Овқат пайти ўғлига,
Сўз бошлади онаси.
— Уйландилар дўстларинг,
Сендан бошқа ҳаммаси.
Энди навбат сенгадир,
Айтгин қайга борайин.
Умригинам сўнгида
Орзу-умид кўрайин.
Суриштирмай онаси,
Юракдаги ҳисларни.
Мақтай кетди ўғлига.
Таниш-билиш қизларни.
Жавоб бериш пайтида.
Йигит хиёл эгилди:
— Қўшни қизни онажон
Айтмадингиз, шекилли.

Мухторжон ХЎЖАЕВ. Данғара тумани ҳунар лицейи ўқитувчиси.

Milliy hunarmandchilik

ДЎППИ КИЙГАН ЎЗБЕГИМ...

Ўзбекни дўпписидан танийдилар. Миллатнинг белгиси, фахри ҳисобланган Марғилон, Андижон, Қўқон дўппиларига хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш билан қарашади. Зеро, ўзбеклар яшаган жойда дуппи бор, унга нисбатан ҳурмат бор.

Пойтахтимизнинг Эски Жўва бозорида турли хил дуппиларни кўриб, қалбингиз қандайдир илиқ ҳиссиётларга тўлади. Қадим-қадимдан ота-боболаримизнинг бошидан тушмай келаётган дуппилар ҳеч қачон бозорда харидорсиз қолмаган.

— Келинг, сизга дуппи керакми? — дея юзланади гапириш оҳангида бухороча шева сезилиб турган жувон. — Мана бу дуппиларни қаранг, бирам чиройлики, қизингизга совға қилсангиз, жуда хурсанд бўлади!

Бухоро зардузлари қўлида бино бўлган зар дуппилар. Улар қуёш нурида кўзни қамаштиради. Нақшлари, гуллари эса дуппига қандайдир маъно бағишлаб турагандек.

Менинг мақсадимни англагач, жувон оқизмай-томизмай ўз ишлари ҳақида сўзлай кетди:

— Биз Бухоронинг Ғиждувон туманиданмиз. Исми-шарифим Латофат Қурбонова. Айтганча, қайси газетага ёзасиз? «Маърифат»га ёзсангиз, зўр бўларди-да!

— Ўқитувчимисиз?

— Топдингиз, касбим муаллималик, инглиз тилидан сабоқ бераман. 52-ўрта мактабда ишлайман. Тирикчилик, боз устига ота-боболаримизнинг касби, давом эттирмасак бўлмайди. Онам Шафоат аядан дуппи тикиш сирларини ўзлаштириб олганимга кўп йиллар бўлди. Ҳозир қизларим Нилуфар, Нафисаларнинг ҳам ўзлари бемалол дуппи тика оладилар.

Ҳамсуҳбатим Латофат Қурбонова зардузлик тугарагининг раҳбари экан. Тугарақда 30 нафар қиз бухороча зар дуппилар тикишни ўрганаётганлигини, қизлар, келинлар, тўй болалар учун мўлжаллаб тикилаётган бош кийимнинг бозори чақ-қонлигини бу муаллима фахр-ифтихор билан сўзлар, ора-чирада харидорлари билан ҳам мулоқотда бўлиб қўярди.

— Битта дуппининг бино бўлиши учун неча кун керак? — сўрайман аёлдан.

— Уч-тўрт кун. Унинг ҳом ашёси — кардон, пистон, баргчалар, оқ зар, сариқ зар. Нақшларини эса ўзимиз ўйлаб топамиз. Қолиплаш учун кардонни керексиз деб топилган қоғозлардан ишлаймиз. Дуппига гул боғлаш лозим. Масалан, унга юрак шаклини туширишнинг рамзий маъноси бор. Дуппи — инсоннинг юрагига яқин. Бодом гули, қуш шаклларини туширишнинг табиат билан азалий боғлиқ эканликларини ифодалайди.

Дуппифуруш аёлнинг шериклари ёш йигитлар суҳбатга аралашиб, Бухоронинг зарбоф тўнлари ҳам тўйҳашамлар учун зебо либос эканлиги ҳақида гапиришди. Ўзини Мукаррам Ражабова деб таништирган қотмагина аёл ҳусусий ишлаб чиқариш бирлашмасида 200 нафардан зиёд йигит-қизнинг бошини бириктириб, дуппи, тўн, қийиқча каби миллий либосларни тайёрлаб, Чорсу бозорига келтирар экан. Кўҳна Бухоронинг нафаси сезилиб турган бу либослардаги нафис нақшлар кишини лол қолдиради.

— Биласизми, бизнинг дуппиларимизни чет элликлар ҳам харид қилишади! — дея шоша-пиша гап қистирди Латофат Қурбонова.

— Америка, Франция, Шотландия, Ирландия, Корея, Хитой, қўйингки, жуда кўп хорижий давлатлардан келган сайёҳлар дуппиларимизга ҳавас билан қарашади, ҳаттоки сусипда нозик ҳис-туйғуларни ҳисобга олиш лозим. Масалан, унга юрак шаклини туширишнинг рамзий маъноси бор. Дуппи — инсоннинг юрагига яқин. Бодом гули, қуш шаклларини туширишнинг табиат билан азалий боғлиқ эканликларини ифодалайди.

Дуппифуруш аёлнинг шериклари ёш йигитлар суҳбатга аралашиб, Бухоронинг зарбоф тўнлари ҳам тўйҳашамлар учун зебо либос эканлиги ҳақида гапиришди. Ўзини Мукаррам Ражабова деб таништирган қотмагина аёл ҳусусий ишлаб чиқариш бирлашмасида 200 нафардан зиёд йигит-қизнинг бошини бириктириб, дуппи, тўн, қийиқча каби миллий либосларни тайёрлаб, Чорсу бозорига келтирар экан. Кўҳна Бухоронинг нафаси сезилиб турган бу либослардаги нафис нақшлар кишини лол қолдиради.

— Биласизми, бизнинг дуппиларимизни чет элликлар ҳам харид қилишади! — дея шоша-пиша гап қистирди Латофат Қурбонова.

— Америка, Франция, Шотландия, Ирландия, Корея, Хитой, қўйингки, жуда кўп хорижий давлатлардан келган сайёҳлар дуппиларимизга ҳавас билан қарашади, ҳаттоки суратга тушириб олишади. Мен инглизчада гаплаша олганим учун биз тиккан дуппилар ҳақидаги фикрларини тушунаман. Улар ўзбекларнинг бош кийимидан эсдалик учун харид қилганларида, дунёнинг олис қитъаларига ҳам дуппимизнинг шуҳрати ёйилишидан хурсанд бўлиб кетаман. Бу ҳунарни эъзозлашимиз кераклигини ҳис қилиш ҳам бахт.

— Бир кунда нечта дуппи сотилади? Уларнинг нархи, таннархи қандай, яъни ўзини ўзи қоплаб, сизга ул-бул қоладими?

Латофат опа галдаги саволимга ҳам шошиб қолмади. Ҳисоб-китоб аниқ бўлмаса, тушаётган фойданинг улчовини билмаса, бозорда ўтиришдан не фойда?

— Энг кўп сотганим 42 та бўлган. Нархлари эса 250 сум. Дуппи тикишнинг мураккаблигини кўпчилик билмайди. Унинг чоклари, нақшлари бирма-бир қўлда тикилади. Баъзи харидорлар тортишишади, баъзилар айтган нархингизга рози бўлиб олиб кетаверишади. Ҳар хил нархда сотилишига кўра ҳисоблаб чиққанимизда, битта дуппидан бизга 150-200 сўм қолади. Баъзан ютқазиқлар ҳам бўлади. Лекин борига барака, бизники олибсотарлик эмас, ўзимиз ишлаб чиқарамиз ва сотамиз!

Дуппифурушлар билан хайрлашар эканман, «Маърифат» газетасида ишлашимни айтдим. Аёлнинг юзи ёришиб кетди. Айрим бозорчи аёлларга ўхшаб, у матбуот нашрларига нисбатан беписанд бир муносабатда эмаслигини сездим. Ва тўғриси ҳам ўз касбини ташлаб кетмаган, ҳам дуппи бозорини қойиллатаётган бу аёлга тасанно айтгим келди!

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ

1997-98 ўқув йили учун ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лицей-интернатга Республикамиздаги барча мактабларнинг 9-синфини тугатган ҳамда техника соҳасига қизиққан иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

Ҳужжатлар 1997 йилнинг 5 августидан 25 августигача қабул қилинади.

Лицей-интернатнинг 10 синфларига ўқувчилар математика, физика ҳамда она тили ва адабиётдан тест, суҳбат синовлари асосида қабул қилинади. Қабул махсус жадвал асосида 27-28 августда ўтказилади.

Лицей-интернатда математика, физика, кимё, информатика фанлари ва хорижий тиллар махсус дастур асосида чуқур ўргатилади.

Машғулотларни институтнинг тажрибали профессор — ўқитувчилари олиб борадилар.

Вилоятлардан лицей-интернатга қабул қилинган ўқувчилар лицей биносида жойлашган шинам турар-жой ва бепул овқат билан таъминланадилар.

Вилоят олимпиадалари ғолиблари лицейга синовсиз қабул қилинадилар.

Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар

1. Директор номига ариза.
2. Туғилганлик ҳақида гувоҳномадан кўчирма.
3. 086/у формадаги тиббий маълумотнома.
4. Яшаш жойидан маълумотнома.
5. 3/4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
6. Маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, 700100, Горбунов кўчаси 5-уй (4-бино) телефонлар: 53-32-44.

«Соғлом авлод учун» журнали ижодий жамоаси таҳририят ходимаси Ўлмас Мажидовага онаси Турсуной буви МУҲАММАДЖОНОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Алишер НАЗАРОВ, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0524. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6